



Аҳолини рўйхатга олиш бўйича ўқув семенари




Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида аҳоли пунктлардаги турар жойлар ва бино иншоотлар рўйхатини тузиш, кадастр агентлиги томонидан тайёрланган хариталарини мослигини хатловдан ўтказиш, маҳалла ва қишлоқ аҳоли пунктларидағи хонадонлар рўйхати ва ундаги аҳоли сони тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш мақсадида маҳаллалардан танлаб олинган


регистраторларни Давлат статистика қўмитасининг ўқитиш дастурига мувофиқ жорий йилнинг 1-3 август кунлари Узун туманида ўқув семинари ташкил этилди.



Ўқув семинарда Узун тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Дилором Сафарова, статистика бўлими ва туманда ташкил этилган рўйхатга олиш бўлими ходимлари иштирок этди.



Семинарда 2023-йилда Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Қонун, "Ўзбекистон Республикасида 2022-йилда Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш консепсиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги, 2019-йил 5-февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5655-сон Фармони ва "Ўзбекистон Республикасида 2023-йилда Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаъъги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 11-ноябрдаги 710-сон қарорлари ижроси юзасидан;



аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида аҳоли пунктлардаги турар жойлар ва бино иншоотлар рўйхатини тузиш;

- Маҳаллаларда регистраторлик участкаларини ташкил этиш;
- Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан тайёрланган хариталарини мослигини хатловдан ўтказиш;
- Тайёрланган хариталардаги уй-жойлар ва бино иншоотларни хатловдан ўтказувчи регистраторларни танлаш ва ишга жалб қилиш;
- Маҳалла ва қишлоқ аҳоли пунктларидағи хонадонлар рўйхати

